



Мени Хиндистон элчихонасига чакиришаётганини айтишди. Бош консул дўстим эди. Дархол унинг киёфаси кўз олдимда намоён бўлиб юзимга табассум югурди. Биз у билан бир варакайига тўртта тилда ўзбекча, хиндча, русча, инглизча, аралаш-куралаш гаплашар, расмий сухбатимиз аския айтиш билан якунланар, унинг самимийлигим, сўзамоллигим хуш кайфият уйготар, гохида котиб-котиб кулишардик.

Аммо бу сафар ундай бўлмади. У кўлимга ташриф когозини узатаркан, когоз устига ёзилган ёзувни ўкиб бир зум жойимда туриб колдим. Унда катта-катта харфлар билан “Алишер Хамроевга” деган сўзлар битилганди.

Алишер Хамроев.

Мен бу актёр билан 1998 йилда танишган эдим. “Янги ой чиккан кеча” фильмига бош қахрамон излаётгандим. Менга мард, танти, хатто нохуш хатти-харакатлари ҳам кечириб юборилаверадиган, одамлар бир кўрганда ёктириб коладиган, сумбати келишган, драматик киёфага эга йигит керак эди. Киносиновга келганлар орасида Алишер яккол кўзга ташланиб турар эди.

Тасвирга олиш жараёнларида унинг интилишларини кўриб у кино учун тугилганини, бутун хаёт-мамоти кинода рол ўйнашга каратилганлигини, у хаётда кинодан бошка ҳеч нарсани ҳеч қачон ўйламаганини, қадди-коматини ҳам, юзини ҳам актёр бўлиш учун парваришлаганини англаб етдим. У хатто қадам ташлаганда ҳам кайсидир машхур актёрга таклид қилар, сухбат чоғларида ҳам кинодаги диалоглардан парча келтириб одамларни кулдирадди. Мабодо режиссер унинг тасвирга олиш жараёнларидаги махоратини мактаб колса қувонар “Профессионал дебуа» дея илжайар, “Ё тавба, бу ким Иннокентий Смоктуновскийми ё Бондарчукнинг ўзими?!” – дея оппоқ тишларини кўрсатиб, оғзи қулоғида иршаярди. “Шох саройида тартибсизликлар қилишингизга йўл қўймайман” дея баъзида ўдагайлаб қоларди режиссёр.

“Атрофимда маликалар гирдиқалалак бўлишди, лекин сизга ҳеч қачон хиёнат қилмадим, Марфа Васильевна!” – дея тиз чўқарди Алишер.

Гохида у кинога суратга тушган жойларга бориб қоламан. Қизик, мана у суянган дарахт, у очган эшик жойида, у ушлаган қилич ҳам бус-бутун. Фақат нега у йўқ?!

Нега унинг юз киёфаси кўз олдимда намоён бўлаверади. Нега унинг ўзи йўқ? У хали ёш йигит эди-ку. У ҳам яшаши керак эди-ку? Унинг ҳамма тенгдошлари, дўстлари хали яшайпти-ку? Эсимда бир кун бир қизча: “Алишер Хамроевни каттик севиб қолгандим. У киши мени танимасаларда, хаёлан у киши билан сухбатлашардим, юрагимдаги ҳамма гапларни у кишига айтардим. У кишини ўлганларини эшитганимда етти кун хушимга қолмадим. Хатто тугишган акам ўлганларида ҳам бу қадар изтироб чекмагандим. Актёр сифатида у менинг бутун борлигимни сеҳрлаб олган эди. Уни ҳар бир сўзини, ҳар бир хатти-харакатини севардим. У менинг жону-жаҳоним эди. Айтинг, нега айнан мен севган, айнан мен муҳаббат қўйган инсон ўлиб қолди. Энди тўғриси айтсам бировни яхши кўриб қолишдан кўркиб қолдим. Қизчани гапи негадир хаёлимга каттик ўрнашиб

колган. Унинг саволларига жавоб тополмайман.

Алишер кинода ўйнаган бир сахна бор. Унда Алишер уйдан чикиб кетиш сахнасини ўйнайди.

“Косимхон: - Кечирмасанг йўкол бу ердан.

Малика: - Керак бўлса сиз йўколасиз бу ердан.

Косимхон: - Агар сен мен билан тенглашмоқчи бўлсанг хато киласан. Билиб қўй, эр киши адашса аёл ҳамма вақт кечиради. Лекин аёл адашса эркак ҳеч қачон кечирмайди.

Малика: - Менда энди сизни кечирадиган сабру-тоқат ҳам, раҳм-шавкат ҳам қолмаган.

Косимхон: - Хали шунақами?

Малика: - Шунақа!

Косимхон: - Шунақа бўлса, энди ўзингга бошқа эр топиб ол.

Косимхон костюмини елкасига илди-да, эшикни тараклатиб чикиб кетди”.

Бу сахнани неча бор такрор-такрор суратга туширган эдик. Алишер костюмини елкасига илиб эшикни тараклатганча чикиб кетар, режиссёр “Бўлди стоп!” дегандан сўнг хонага илжайиб кириб келар, Маликадан “Каттик туртиб юбормадимми?”, дея узр сўрарди. Ва менадан муҳаббат сахнасини кўпроқ ёзиб беришимни, шундай сахна кўпроқ бўлишини илтимос қиларди. Ўзи ҳам табиатан хинд киноларининг шайдоси эди. Биласизми дерди у, хиндларга жуда кўп ўхшаш томонларимиз бор. Фидойиликда, садокатда, муҳаббатда хиндлардан қолишмаймиз. Балки улардан ҳам ўтказиб юборамиз. Бизда фақат изҳор этиш санъати етишмайди. Севгимизни бўлса бўлди, бўлмаса йўқ дегандай дангал айтиб қўя қоламиз. Кимнидир бир умр севамиз-у, севган одамимизга бир огиз айтмай юраверамиз. Бир умр кимгадир фидойи бўлиб ўтамиз-у, лекин буни ҳеч ким билмайди. Садокатимизни ҳаммадан яширамиз, ҳаммамиздаги мана шу жавоҳир фазилатларни, муҳаббатни, мардликни, жасоратни оламга ёйиш бу ёзувчиларнинг иши. Сизлар ёзинглар, биз актёрлар қойилмақом қилиб ўйнайлик. Биз ўзбеклар ўзбек кинони довругини хинд киносидай оламга таратмас эканмиз, халқимиз олдида қарздор бўлиб қолаверамиз.

Алишер Акшай Кумарга ўхшаб кетади. Гавдаси, юз тузилиши, сочлари, қулишлари.

Мободо у Бомбейда тугилган бўлганида эди, албатта у Болливуд чўккисини забт этган бўларди. Мен буни фақат ташқаридан туриб бир ўзбек зиёлиси сифатида эмас,

Болливуддаги бир қанча кинотасавирга тушириш майдончаларида бўлган ва кинога олиш жараёнларида актёрларимизни қобиляти қай даражада намоён бўлишини билган киши сифатида айтаяпман. Мен Бобби Деол, Приянка Чопраларнинг кинога тушиш жараёнларида иштирок этганман ва фавқулодда айрича бир истеъдодни кўрмай хайрон бўлганман. Кўпинча Акшай Кумар ўйнаган фильмларни кўриб Алишер ҳам мана шундай ўйнай олармиди дея ҳаёлан ҳар иккисини такқослаб кўраман ва такқослай туриб уларни иккаласини бир-биридан адаштириб юбораман. Кинода Акшай Кумар ўйнаётган бўлса, кўз олдимда Алишер намоён бўлаверади ёки Алишерни фильмларини кўриб туриб, қаршимда Акшай Кумар пайдо бўлаверади.

Хиндистонга сафарларимдан бирида Алишер тушган фильмларни, унинг суратларини инглиз тилидаги биографияси ёзилган дискетни ўзим билан бирга олиб кетдим.

Максадим хинд киноларида унга рол ўйнатиш эди. Дастлаб бу орзуим хом ҳаёлдек туюлган эди. Лекин Болливудда Америка, Европа, Осиё давлатларидан, Африкадан қелган кўплаб актёрларни учратиш мумкин.

Унинг расмий ҳужжатларини, фотоальбомини Болливуд маъмуриятига топширганимда мена ҳеч қандай ишонч йўқ эди. Минглаб одамларнинг ҳужжатлари орасида кумга

тушган тилладек йўколиб кетса керак деб ўйлагандим. Лекин кайтганимда бу шубхаларни Алишерга билдирмаган, жавобини кутайликчи Дея гапни киска килгандим. Аслини олганда унинг юрагида ҳам менинг юрагимда ҳам умид учкунлари милтираб турарди. “Мен у ерга тайёр сценарий билан бораман. Менга шундай бир сценарий ёзиб берингки, у буюк ва адабий мавзу, мухаббат хакида бўлсин. Мен ўзбекнинг юраги нақадар улуг эканлигини жахонга кўрсатай. Ундан севги бизда кеча ҳам бор эди, бугун ҳам бор, эртага ҳам бўлади. Факат нега бугун ёзувчиларимиз буни ёзмапти, ахир кеча “Лайли ва Мажнун”, “Фарход ва Ширин”лар хакида ёзилганди.

Улар хаётимизда бугун ҳам бор, факат адабиётимизда уларнинг образи йўк. Нега? Нега шундай асарлар ёзилмапти? Сиз шундай бир асар ёзиб берингки, ўзбекнинг мухаббати, садокати, буюклиги тилларда дoston бўлсин. Дунёда шундай бир халк борлигидан дуне ахли фахрлансин. Агар ёзолмасангиз юринг Бухорога. Мен мухаббат учун жонини қурбон килган йигитларнинг кабрига олиб бораман. Мухаббат учун ўзини дарёга ташлаган кизларнинг кабрини кўрсатаман. Нахотки мухаббатни ўз хаётларидан устун қўйган одамларнинг кабри ҳам ёзишингиз учун кафолат бўлолмаса?! Уруш тугаганига 60 йил бўлаётган бўлсада, ўз турмуш ўртокларини кутаётган момоларнинг фидойилиги илхом беролмаса. Бир-бирларини ўн йиллаб, йигирма йиллаб кутган, сўнгра топишиб турмуш куриб бахтли яшаётган Фарходни жасоратини, Мажнунни девоналигини такрорлаганлар минглаб топилади. Биз буларни ёзишимиз шарт. Бу бизнинг карзимиз, бўйнимиздаги бажаришимиз фарз бўлган карзимиз, дея бутун вужуди титраб гапирарди у.

Элчихонадан шалвираб чикар эканман, Болливуддан келган ташриф когозини ўкиб кўзимдан ёш сизиб чикарди. “Сохиб” Алишер Хамроев дея ёзилади хатда. Сизнинг кискача бигорафиянгиз билан танишиб чикдик. Ўзбек ва хинд кино санъати бир неча ўн йиллардан буён давом этиб келарди. Ана шу анъана янада мустахкамланиши тарафдоримиз. Йўл харажатларини барчасини зиммамизга олган холда якин кунлар ичида Мумбай шаҳри, Болливуд кино шаҳарчасига ташриф буюришингизни сўраб қоламиз. Тегишли маълумотларни Хиндистонни Ўзбекистондаги элчихонасидан олишингиз мумкин.

Хурмат билан Манабендра Мукерджи.

“Алишержон, айт бугун энди сени каердан топай? Энди мен бу хатни кимга ўкиб бераман? Энди Хиндистонга ким боради? Алишержон энди бу хатни кабринг тепасига олиб бораёми? Бу хатни ёзишга кандай кўлим боради? Юзим кандай чидайди? Сени кутаётганларнинг умиди истиклол шарофати билан оламга бўй чўзаётган миллатимдан умид килаётганлар эмасми?”

Нега миллатимнинг сендайин оташкалб кишиси кора тупрокка йўл олдик. Нега ёруг нур бўлдингу, сенинг нурунгга интилганларнинг умидини сўндирдинг. Бу хат кўлимни куйдирмокда. Бу хат калбимни кул килмокда. Агар, сен бугун хаёт бўлганингда, канот чикариб учмасмидинг, сени кучок-кучок гуллар билан кузатмасмидим. Ишонаман, сени шода-шоода мойчечаклар ўрами билан кутиб олишиб, бўйнингга ташлашарди. Ишонаман, сен Болливуднинг эркаси бўлардинг. Ишонаман, сени кутиб олганлар орасида Акшай Кумар ҳам бўларди. “Ия, менга ўхшаш одам яна битта бор экан-ку, кел ака-ука тутинамиз” – деган бўларди.

Аммо, сен энди каердасан, Алишержон!”

Ўша куни хатни ён чўнтагимга солиб бутун Тошкентни пиёда кезиб чикдим. Одамларнинг

киёфасига разм соламан. Худди каршимдан Алишер чикиб коладигандай. Хаммага бирма-бир синчиклаб карайман. Юзларини кўролмаё ўтиб кетганларнинг ортидан чошиб бориб юзларига тикиламан. Баъзилари менга телбага карагандек карашади. Мен ҳам уларга кайта карайман ва Алишерга ўхшатолмай нари кетаман.

Уйга ярим кечаси кириб бордим. Чўнтагимда хат. Шу кўйи ўзимни каравотга ташлаб ухлаб қолибман. Тушимда "Янги ой чиккан кеча" фильмидаги Алишер ўйнаган сахна кирибди: "Малика деразадан ойга махлиё бўлиб турар экан, эшик кўнгирोगи жиринглаганидан чўчиб тушди. Ким экан? Онасими, Марямми, Шухрат Ахадовичми, хаёлига ҳеч бир ёмон фикр келмай югуриб бориб эшик зулфини бўшатди. Ташкарида Косимхон турарди.

Малика эсанкираб ортга чекинди.

- Келинг.

- Мана, мен келдим! – Косимхоннинг кўлида Амир Олимхон давридан колган килич ялтирарди. У ичкарига кириб эшикни беркитди...

Туш бўлсада, мен унинг кўзларини худди ўнгимда тургандек яққол кўрардим. Худди менинг уйимга кириб келгандай, туриб унга жой кўрсатмокчи, хатни кўлига топширмакчи бўламан. Ха, Алишер Хамроев бугун ҳам тирик. У ўзбек кино санъатида мангу қолажак.